

маърифатпарварлари ижтимоий-сиёсий қарашлари шаклланишида асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. - Тошкент: Tafakkur, 2016.
2. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. Форс-тожикчадан А. Ҳамроев ва А. Шокиров таржимаси. - Тошкент: Фан, 1964.
3. Ташкулов Дж. Туси. Дониш. - Москва: Наука, 1990.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/034>

**СУННАТ, УНИНГ МОХИЯТИ ВА МАЗМУНИ ВА УЛАРНИНГ
КЛАССИФИКАЦИЯСИ**

Улфатиллаева Сайёра Собиржон қизи

ЎЗМУ “Фалсафа тарихи” кафедраси докторанти

Илм аҳлига маълумки муҳаддислар, хусусан, кейинги уламолар «ҳадис» ва «суннат» бир маънодаги сўзлардир, деган фикрга тўхталганлар. Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари фел-атворлари ёки бирор тақрирлари, яъни бирор масалага розиликлари, тўхтамлари ёхуд бирор сифатларининг ифодаси, умуман олганда, шаръий ҳукмлар ҳадис ёки суннат дейилади.

Демак асли эътибори билан «ҳадис» ва «суннат» истелоҳлари муҳаддислар ўртасида бир маънода қўлланиб, ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари, яъни ҳаёт йўлларини англатади. Шунга қарамай, бу истелоҳларда муштарак жиҳатлари билан бирга ўзига хос фарқли томон лари ҳам бор. Ҳадис ва суннат икковининг бири иккинчисидан буткул жудо эмас яъни икковида қарама қаршилик нисбати йўқ, магар икковининг орасида тенглик нисбати ҳам йўқ, балки ҳадис ва суннатда умум ва хусус мин важхин нисбати бордир. Қаерда мана шу нисбат топилса, уларда иккита нарса алоҳида-алоҳида бўлиши мумкин. Гоҳида ҳадис бошқа бўлади, у суннат бўлмайди ва гоҳида суннат бошқа бўлади, у ҳадис бўлмайди ва гоҳида иккови жамланади, у ҳадис ҳам суннат ҳам бўлади. «Суннат» луғатда «йўл» маъносини англатади. Унинг бошловчиси ёмонлик ниятида ҳам, яхшилик ниятида ҳам бўлиши мумкин. Суннат: Фарз ва вожибдан ташқари пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан событ бўлган барча шариъй ҳукмлардир. Фиқҳ уламолари: Суннат - мандуб, ҳаром ва макрух учун асос, яъни динда фарз ҳам, вожиб ҳам бўлмаган, аммо Расулуллоҳнинг соллаллоҳу алайҳи васаллам диний амаллардаги кўрсатмалари дикри, мусулмонлар у зотга эргашиш ва ажр-савобга эга бўлиш учун унга амал қиласидилар дейишади.

Хадис уламоларининг таърифлари:
ما اثر عن النبي صلی الله عليه وسلم من قول او فعل او تقرير او صفة خلقية او خلقية او سيرة
سواء كان قبل البعثة او بعدها

Суннат- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга рисолат юборилишидан олдин ёки кейин бўлса ҳам у зотдан асар бўлиб қолган сўз, фел, тақрир, хулқий ва халқий сифатлари ва сийратларидир. Демак ҳадис уламолари наздида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўzlари, қилган ишлари, саҳобаларнинг қилган ишларига муносабатлари, халқий ва хулқий сифатлари, турли вазиятда ўзларини тутишлари, пайғамбарлик ваҳийи келишидан олдинги ишлари, масалан, Ҳиро ғорида қилган зикр-санолари, одамлар билан бўлган мумомалали, чиройли хулқлари ва фелларики, бу хақда Хадича розияллоҳу анҳо: «Аллоҳ сизни хор қилмайди, ахир сиз қариндошларингиз ҳолидан хабар оласиз, қийналганларга ёрдам берасиз, меҳмонни ҳурмат қиласиз, муҳтоҷларга эҳсон қиласиз, ҳақиқатни рӯёбга чиқарасиз», деб таъриф келтирғанлар.

- Суннатнинг содир бўлиш ҳолатига кўра қисмлари. Суннат содир бўлиш ҳолатлари жиҳатидан бир неча қисмларга бўлинади:
“Қавлий суннат” - бунга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг турли ҳолат ва муносабатларда гапирган гаплари киради. Бу турдаги суннатга қуйдаги ҳадисларни келтириш мумкин.
عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ إِكْوَنَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَالَّذِي
وَوَلَدُهُ الشِّيخَان رواهَ أَجْمَعِينَ وَالنَّاسُ

Анас ибн Молик розиёллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «сизларнинг бирортангиз, токи мен унга ота онасидан, боласидан ва барча одамлардан маҳбуброқ бўлмагунимча, мўмин бўла олмайди», -дедилар. Икки шайх ва Насаий

ривоят

қилишган.

"Феълий суннат" – Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилган ишлари ва амалларидир. Бу турдаги суннатга қўйдаги ҳадислар мисолбўлади.

عن أنس قال كان النبي إذا دخل الخلاء نزع خاتمه رواه أبو داود والترمذي
Анас розиёллоҳу анҳудан ривоят қилинади:«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачонки халога кирсалар, узукларини ечиб қўяр эдилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

"Тақририй суннат" - Бир нарсага икрор бўлиш, унинг тўғрилигини тасдиқлаш маъносини англатади. Суннатдаги тақрир эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаи икромлар томонидан содир бўлган баъзи нарсаларни мъқуллашларидан иборатдир.

Яна бундан ташқари тақрир қилишлари деганда, бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни олдиларида бир гапни айтади ёки бир ишни қиласди шу пайтда, у киши буни инкор қиласликлари ёки бир иш у кишини олдиларида бўлмайди лекин унинг хабари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб борганда, у кишини сукут қилишлари тушунилади. У зотнинг сукут қилишлари ёки инкор қиласликлари, икрор қилишларига далолат қиласди. Бу турдаги суннатга қўйдаги ҳадислар мисол бўлади.

عن أبي سعيد قال خرج رجلان في سفر فحضرت الصلاة و ليس معهما ماء فتيمما صعيده طيبا و
صليا ثم وجدا الماء في الوقت فأعاد أحدهما الصلاة والوضوء ولم يعد الآخر ثم أتيا رسول الله صلى
الله عليه وسلم فذكره ذالك له فقال للذي لم يعد أصبت السنة وأجزأتك صلاتك وقال للذى توضأ أو أعاد

Абу Саъид розиёллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Икки киши сафарга чиқдилар. Намоз ҳозир бўлди. Икковларида сув йўқ эди. Пок тупроқ билан таяммум қилиб намоз ўқидилар. Сўнгра вақт чиқмай туриб сув топдилар. Улардан бири таҳорат ва намозни қайтарди. Иккинчиси қайтармади. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, у зотга бўлган воқеъани айтишди. Шунда у зот қайтармаган шахсга: «Суннатни топибсан. Намозинг кифоя қиласди», - дедилар. Таҳорат қилиб, намозини қайта ўқиганга эса: «сенга икки марта ажр берилади», - дедилар». Абу довуд ва Насаий ривоят қилишган.

“Халқий сифатлари” - тана тузилишидаги сифатлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрган кишилар У зотнинг бўйбастлари, тана тузилишлари, соchlари, кўзлари ва бошқа аъзоларини батафсил васф қилиб берган ривоятлари тушунилади.

حسن بالقصير ولا بالطويل ليس ربعة وسلم عليه الله رسول كان قال مالك بن أنس عن يتوكل على الله ما شاء الله وما شاء الله أبداً

Анас ибн Молик розиёллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрта бўйли эдилар. Калта ҳам узун ҳам эмасдилар. Ул зотнинг таналари чиройли эди. Соchlари жингала эмасди. Буғдой ранг эдилар. Асога суяниб юардилар», - деди.

«Хулқий сифатлари» - Саҳобаи киромлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сабрлари, ҳилмлари, шижаатлари, саҳийликлари каби барча ахлоқий фазийлатларини ҳам ривоят қилиб қолдирғанлар.

Булар ҳам суннатга киради.

رأى فإذا رها خد في العذراء من حياء أشد وسلم عليه الله صلي النبي كان قال الخدرى سعيد أبي عن وجهه شيئاً يكرهه عرفناه من

Абу Саиъд Худрий розиёллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам чимилдиқдаги бокира қизданда ҳәёлироқ әдилар³⁵. Агар ул зот ёқтиргмаган нарсаларини кўриб қолсалар, биз юзларидан билиб олар эдик», -деди.

«Сийратлари» - Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётлари, У кишини таваллудларидан, то умрларини охиригача бўлган таржимаи ҳоллари. Бунга тегишли ривоятлар сийрат дейилади.

Барчамизга маълумки шариъатимизда “суннат” муҳим ўрин тутади. Суннат араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинганда “йўл” яъни, инсон босиб ўтган яхши ёки ёмон йўлга нисбатан ишлатилади.

Суннатлар икки турга бўлинади. Улар таъкидланган ва завоид суннатлардир.

Таъкидланган суннатлар – тарқ қилиш макруҳ бўлган, қилмаслик гуноҳкор бўлишга сабаб бўладиган амаллар. Бу каби суннатлар диннинг тўлдирувчиси ҳисобланади. Бунга мисол тариқасида намозлардан аввал аzon айтиш, жамоат билаан намоз ўқиш ва фарз намозлар билан адo қилинадиган ротба суннатларни айтишимиз мумкин. Бу суннатларнинг яна бир номи сунанул худа ҳамдир.

³⁵ Уватов У. Буюк муҳаддислар. –Т.: «Ўзбекистан Миллий енциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 1998. . – Б.19.

Завоид суннатлар – тарк қилиш макрух бўлмаган суннатлар. Бу суннатларни бажариш яхши лекин, тарк қилиш ёмонликка сабаб бўлмайди. Уламолар бу каби суннатларга кийимларни ўнг томондан кийиш, ўнг қўл билан таомланиш кабиларни мисол қиласидилар.

Ҳанафий фикҳида муҳим ўрин тутган “Шарҳул виқоя” китобида бу борада қўйидаги фикрлар мавжуд: **“Суннат Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи пайтлар тарк қилиб қолган вақтларда доимий бажарган амаллари”**. Агар бу амаллар ибодат тарзида бўлса улар сунанул ҳудадир. Агар одат тарзида бажарилган бўлса улар **зовоид суннатлардир**".

Шу ўринда Пайғамбаримизнинг феълларидан вожиб ҳам событ бўлишини эътиборга оладиган бўлсак, бу вожибни суннатлардан нима фарқи бор эканлигига ҳам тўхталиб ўтишимиз керак. Зайниддин Ибн Нужайм ўзларининг “Баҳрур роиқ шарҳи канзуд дақоик” китобида бу уч амалнинг ўртасини қўйидагича фарқлаганлар: “Билингки, суннат Пайғамбаримиз доим бажариб юрган амаллардир. Агар бу амал тарк қилинмаган бўлса, демак бу унинг таъкидланган суннат эканлигининг далилидир. Агар баъзида тарк қилинган бўлса унда таъкидланмаган суннатдир. Агар уни тарк қилишга Пайғамбаримиз томонидан инкор событ бўлган бўлса демак бу вожиб амалдир”.